

# Ер ости сувларининг ётиш шароити буйича таснифномаси

- Режа:
  - Ер ости сувлари таснифномаси
1. Аэрация минтакаси сувлари:
    - А) Тупрок сувлари
    - Б) Осма сизот сувлари
  2. Сизот сувлари
  3. Катламлар аро босимли (артезиан) сувлари

Ер ости сувлари, пайдо булиши, ётиш шароити, гидродинамик курсаткичи, сувли катламларнинг литологик тузилиши, сувли катламларнинг ёши ва бошка белгиларига караб синфларга булинади.

Биз ишлаб чиқаришда кенг кулланиладиган табий шароитни туликрок хисобга олган ер ости сувларининг ётиш шароити буйича тузилган А.М.Овчинников ва П.П.Климентовнинг таснифномасини куриб чикамиз.

Бу таснифномада ер ости сувлари ётиш шароити буйича 3 синфга булинади:

- 1) аэрация монтакаси сувлари;
- а) тупрок сувлари
- б) осма сизот сувлари
- 2) сизот сувлари;
- 3) катламлашаро босимли (артезиан) сувлари

Аэрация минтакасидаги сувлар баҳор фаслида хосил булиб одатда вактинчалик булади. Бу сувлар учун сув утказмайдиган катлам вазифасини сувни ёмон утказадиган линзасимон катламлар (кумок тупрок, гилли тупрок ва бошқалар) утайди.

Сизот сувлари ер юзасидан унча катта булмаган чукурликларда жойлашган биринчи сув утказмайдиган катламлар устида жойлашади. Сизот сувлари одатда босимсиз булади.

Артезиан сувлари-босимли сувларга киради. Кенг майдонда катта чукурликларда сув утказмайдиган катламлар орасида жойлашган булса артезиан сувлари дейилади. Агар сувлар, катламларнинг юкори хамда остки кисмида сув утказмайдиган катламлар билан чегараланган булса ва сув утказувчи катлам тулик туйинмаган булса, уларни катламлараро босимсиз сувлар дейилади.



### 34- расм. Ер пустыда таркалган ер ости сувларининг ётиш шароити.

1. Сувли жинслар; 2. Сув утказмайдиган жинслар; 3. Шагал;  
 4. Сизот сувларининг сатхи; 5. Артезиан кудуклари;  
 6. Тупрок сувларининг сатхи; 7. Булоклар.

## Тупрок сувлари

Тупрок сувлари деб, тупрок катламига жойлашган усимлик илдиз тизими ning озукаланишида иштирок этадиган, атмосфера билан узвий болгандан ва тагидан осма сизот ва сизот сувлари билан чегараланган ер ости сувларига айтилади.

Худуднинг географик жойланишига, тупрокларнинг турига, икlim шароитига караб, тупрок катлами ning калинлиги 1,3 - 1,5 м ва ундан ортик булиши мумкин.

Тупроклар ва тог жинсларининг таркибида мустахкам ва буш болгандан, капилляр ва эркин сувлар жойлашади. Эркин сувлар вактинчалик ва доимий сувларга булинади.

Вактинчалик эркин сувлар сизот сувлари чукур жойлашганда, атмосфера ёгинлари эриган кор ва сугориш сувларининг инфильтрацияси даврида кузатилади. Доимий эркин сувлар боткоклик ва тупрокларда сизот суви ер юзига якин жойлашган шароитда таркалади. Усимликлар асосан эркин ва капилляр сувлардан озукаланадилар.

**Усимликлар асосан эркин ва капилляр сувлардан озукаланадилар. Усимликлар буш боғланган сувларни ёмон узлаштиради. *Тупрокдаги эркин ва капилляр сувлар алохида хусусият белгилари*га эга:**

1. аэрация минтакасига жойлашган;
2. хакикий харакат тезлиги катта эмас (0,5-3,0 м/кун)
3. сувнинг харакати ламинар характерга эга ва  
Дарси конунига буйсунади.
4. табиатда сувнинг айланма харакатида катнашади;
5. боткок ва торф тупрокларида баркарор режимли  
булади;
6. узига хос кимёвий таркибга эга ва таркибида  
тупрокка сарик, саргиш ранг берадиган корамтири,  
кора юкори концентрацияли органик кислоталар  
(гумин, фульвин) булади.

- Тупрок сувлари сизот сувларининг кимёвий таркибининг шакланишига катта таъсир курсатади. Бу жараённи тупрок таркибида турли тузлар, коллоидлар ва газлар мавжудлиги билан тушунтирса булади. Тупрок таркибида камайиб бориш тартиби билан,  $\text{SiO}_2$ ,  $\text{Al}_2\text{O}_3$ ,  $\text{Fe}_2\text{O}_3$ ,  $\text{K}_2\text{O}$ ,  $\text{Na}_2\text{O}$ ,  $\text{MgO}$ ,  $\text{CaO}$ ; карбонатли тупрокларда эса  $\text{CaO}$ ,  $\text{CO}_2$ ; тузли тупрокларда  $\text{Cl}$ ,  $\text{SO}_4$ ,  $\text{CaO}$  таркалган булади.
- Сизот сувлари ер юзига якин жойлашган булса тупрокларда намлик меъёридан ортик тупланади, хаво алмашиниш жараёни бузилади, тупрокларда тикланиш жараёни ва боткокланиш ривожланади. Сизот сувларининг бугланиши тупрокларда  $\text{Ca}$ ,  $\text{Mg}$  сульфатлари,  $\text{Ca}$ ,  $\text{Mg}$ ,  $\text{Na}$ ,  $\text{P}$  хлоридларининг тупланишига олиб келади.

Гидрогеологик кидирув ишлари вактида тупрок сувлари, тупрокларнинг турлари ва таркиблари, ерларни куритиш ва сугориш максадлари учун урганилади. Сизот сувларини ва сизот сувларининг узгариш конуниятларини урганиш учун хам тупрок сувлари урганилади.

## **Осма сизот сувлари**

*Осма сизот сувлари деб, атмосфера ёгинлари ва бошка ер усти сувларининг сизиб утиши натижасида сув утказмайдиган ёки сувни ёмон утказадиган тог жинслари катламлари ва линзалари устида жойлашган, атрофини сувни яхши утказувчи говакли ва ёрикли жинслар ураб олган, аэрация монтакасидаги доимий булмаган сувли катламларга айтилади.*

Ернинг кесимида осма сизот сувлари сизот сувининг сатхидан юкорида жойлашади. Осма сизот сувларининг шаклланишига ернинг рельефи катта таъсир курсатади. Тик киялик рельефларда атмосфера ёгинларининг асосий кисми ер усти суви окимларини хосил килишга сарфланади ва озгина кисми аэрация монтакасига сизиб утади. Осма сизот сувлари бундай худудларда учрамайди ёки жуда киска муддат мавжуд булиши мумкин. Текис чул худудларида ва дарё террасалари юзида узок муддат мавжуд буладиган, куп микдордаги осма сизот сувлари хосил булиши учун кулай шароит мавжуд. Бу сувлар ёгин куп булган худудларда хужалик сув таъминотига етарли микдорда булади.

кудукнинг сизот суви  
сатхига таъсири

тупрок сувлари

сув утказувчи тог жинслари

осма сизот суви сатхи

сув утказмас катlam  
линзаси


сизот суви сатхи

сизот суви  
чикиши ёки  
боткокланиш

сувли катlam

сув утказмас катlam

Босимли сувлар катлами



*Осма сизот сувлари куйидаги асосий белгиларга  
эга:*

- 1) таркалиш майдони чегараланган;
- 2) иклим таъсирида сувларнинг сатхи, таркиби  
ва миқдори кескин узгаради;
- 3) ер юзасига якин жойлашганлиги сабабли,  
тупрок, ботқоқлик ва саноат сувлари билан тез  
ва осон ифлосланади;
- 4) куп холларда доимий узок муддатли сув  
таъминоти учун ярокли эмас;
- 5) сизот сувларини озукалантиришда иштирок  
этиши ёки тулик бугланишга сарф булиши мумкин.

Осма сизот сувларидан кишлок жойларидағи айрим хужалик ва кичик корхоналарнинг сув таъминотида фойдаланиш мумкин. Осма сизот сувининг сифати, таркиби турли худудларда турлича булади. Намгарчилик куп худудларда уларнинг минераллашуви кучсизрок ва гидрокарбонат-кальцийли, жанубий худудларда эса кучли минераллашган ва хлор-натрийли таркибга әга булади.

Шахар ва бошка ахоли яшайдиган худудларда бу сувлар ер юзига якин жойлашганлыklари учун кучли ифлосланган булади.

Иссик икlim шароитида ерларни сугорилиши натижасида аэрация монтакасида осма сизот сувлари тупланади, агар уларнинг минераллашуви кучли булса сугориладиган майдонлар дөг-дөг булиб шурлайди ва усимликлар нобуд булади. Сугориладиган майдонларнинг хамма ерларида осма сизот сувлари хосил булавермайди.

## **Сизот сувларининг ётиш шароитлари**

*Сизот сувлари деб, ер юзасидан биринчи сув утказмайдиган катlam устига жойлашган доимий харакат килувчи сувли катlamга айтилади.*

Сизот сувларининг юза кисми сув утказмас катlam билан чегараланмайди ва сув утказувчи катlam сув билан тулик тулдирилмайди, шунинг учун сизот сувлари босимсиз, эркин юзага эга булади. Кудуклар билан сизот сувларининг юзаси очилса уларнинг сатхи узгармайди ёки баландлиги уз урнида колади. Сизот сувлари табиатда деярли хамма ерда кенг таркалган ва улар асосан туртламчи давр ёткизикларига жойлашган. Сизот сувларининг ётиш шароитлари турли-тумандир ва ернинг физик-географик, геоморфологик шароитига ва геолого-литологик тузилишига ва бошка омилларга боғлик.


Атмосферада содир буладиган хамма узгаришлар сизот сувларини узгартиради. Атмосфера ёгинларининг таъсиридан, сизот сувларининг сатхи узгариб туради.

Ёгин кам булган йиллар сизот сувларининг сатхи пасаяди, ёгин куп йиллари эса уларнинг сатхи кутарилади. Сизот сувларининг сатхи атмосфера босимиға хам боғлик булади. Вакт утиши билан сизот сувларининг таркиби ва харорати узгариб туради.

*Сизот сувларининг юзаси, уларнинг ойнаси дейилади.*


Литологик таркиби ва гидрогеологик хоссалари бир хил булган тог жинслари катламларига жойлашган сизот сувлари *сув горизонтлари ёки сувли катлам дейилади.* Сувли катламнинг тагида жойлашган сув утказмайдиган жинсни *сув утказмайдиган катлам дейилади.* Сувли горизонтнинг калинлиги деб, сизот сувининг юзасидан сув тусар катлам юзигача булган тик масофага айтилади.

Сизот сувлари одатда текис тулкинсимон юзани хосил килади ва якин атрофдаги жарликлар, дарё водийлари томон кияланган булади. Факат пасттекисликларда, киялик жуда кичик булса сизот сувининг юзасини шартли равишда текис юза деб кабул килса булади. Киялик буйлаб турли тезликда харакат килувчи сизот сувлари, *сизот сувининг окими дейилади*




Горизонтал юзага эга булган сизот сувлари, *сизот сувлари хавзалари деб айтилади*. Сизот суви хавзалари сув утказмас тог жинсларининг юзаси букилган рельефга эга ерларда хосил булади. Шуни кайд килиш керакки сизот суви хавзалари, инфильтрация ёки конденсация сувлари хавзаларни тулдириб-тошириш имкониятига эга булмаган ерларда хосил булади

Табиатда айрим вактларда сизот суви окимлари билан хавзалари гидравлик жихатдан богланган холда учрайди. *Аксарият сизот сувлари хавзалари деб*, айрим геологик структураларни тулдирган сизот сувларига айтилади (масалан, аллювиал ёткизиклар билан тулдирилган дарё водийси).



## Тог жинси катламларида сувларниң таксимланиш минтакалари

аа-ер юзаси; бб-капилляр сувларниң юзаси; вв-сизот сувларниң юзаси; гг-сув утказмас катламниң юзаси; аб-аэрация минтакаси; бв-капилляр сувлар минтакаси; вг - сувга туйинган минтака; h-сизот сувларниң калинлиги; 1-кум; 2-сувли кумлар; 3-гиллар



## Сизот сувларининг хавзаси

аа-сизот сувларининг юзаси; бб-сув утказмас жинс  
катламининг юзаси; 1-кумлар; 2-сувли кум  
катлами; 3-гиллар

Сизот сувлари огирилик кучи таъсирида баланд жойлардан паст жойларга томон харакат килади хамда сувнинг харакати каршилик кам булган томонга йуналган булади. Айрим дарё водийларида, айникса дарё узанларида, ер ости сувларининг йуналиши ер усти сувларининг йуналиши билан мос келади.

Е.А.Замариннинг берган маълумоти буйича сизот сувлари юзасининг кияликлари 0,001-0,007 ни ташкил килади ва тахминий тезлиги йирик кумларда 1,5-2,0 м/кунни, майда кумлар ва кумок тупрокларда 0,5-1,0 м/кунни, гилли тупрок ва лёсс жинсларида эса 0,1-0,3 м/кунни ташкил килади

- Сизот сувларининг сатхи баландлик ерларда, дарё водийлари ва сойлардагига нисбатан юкори мутлак баландликларда жойлашади.

Сизот суви горизонтлари дарё водийлари, жарликлар, сойлар, кул чукурликлари билан кесилса, улар булоклар куринишида ер юзига окиб чикади ва сарф булиш жараёни руй беради. Сизот сувининг юзаси уйилган томонга караб пасайиб боради ва бу юзани депрессион юза дейилади.

*Сизот сувлари катор узига хос белгиларга эга:*

- 1. Сизот сувлари аксарият босимсиз, эркин юзага эга булади ва атмосфера билан тугридан-тугри боғланган булади. Тоз олди текисликларида ва ташилиш конуси ёткизикларида босимли хам булиши мумкин.*
- 2. Озукаланиш ва таркалиш майдонлари устма-уст тушади ва асосий озукаланиш манбалари булиб атмосфера, ер усти ва конденсацион сувлар хизмат килади.*
- 3. Сизот сувлари вакт бирлигиде узига хос режим билан характерланади. Уларнинг режими яъни вакт бирлиги ичida захирасини, сатхини, кимёвий ва бактериологик таркибининг физик хоссаларини узгариши, худуднинг иклимига, аэрация минтакасида содир буладиган физиковий, кимёвий ва биокимёвий жараёнларга, кишиларнинг хужалик ва инженерлик фаолиятига боғлик*

## **Артезиан сувлари хосил булиши ва ётиш шароитлари**


*Артезиан сувлари деб, сув утказмайдиган катламлар орасида ётган йирик геологик структуралар (синклиналлар, моноклиналлар) доирасида жойлашган, туртламчи давргача хосил булган, кисман туртламчи даврда хосил булган ётқизикларда харакат киладиган босимли ер ости сувларига айтилади.*

*Таркибида бир, икки ёки бир неча сув горизонтлари булган бу структураларнинг майдони катта булса, артезиан суви хавзалари дейилади. Кулай геологик гидрогеологик ва рельефли шароитларда казилган кудуклардан сувлар отилиб чикиши мумкин.*

*Хар бир артезиан суви хавзаси уч кисмга ажратилади:*

- 1) озукаланиш кисми;
- 2) сарф булиш майдони;
- 3) босим таркалган (босимли) майдон ( -расм).

# Артезиан суви хавзаси



- а-** озукаланиш майдони,
- б-** босим таркалган майдон,
- в-** сарф булиш майдони

*Озукаланиш кисми.* Бу худудга артезиан суви хавзасини ташкил килувчи, сувли тог жинсларининг ер юзида таркалган майдони киради. Бу майдоннинг гипсометрик жойланиши баланд нукталарда булади. Бундай худудларда атмосфера ёгинлари ва ер усти суви оқимлари сувли тог жинсларидан сизиб утади. Озукаланиш худудида асосан сизот сувлари таркалади ва махаллий гидрографик шахобчаларга дреналаниши мумкин.

Озукаланиш майдонига бурма-тог иншоотлари ёки баландликлари киради. Бу худудлардаги атмосфера сувлари сув утказувчи катламларга сизиб киради ва ер ости сувларини озукаланишига сарф булади.

Озукаланиш худудига тог олди худудлари ва тоглар оралигидаги пастликлар хам киради.

Агар артезиан сувининг пъезометрик сатхи сизот сувининг сатхидан юкори мутлак баландликда жойлашса, артезиан сувлари сизот сувларини озукалантиради, сатхларнинг тескари нисбатида эса сизот сувлари артезиан сувларини озукалантиради.

*Сарф булиш майдони.* Сув горизонти ва комплексларининг озукаланиш майдонига нисбатан паст кичик мутлак баландликларда ер юзига чиккан жойлари артезиан сувларининг *сарф булиш майдони дейилади.* Сарф булиш майдонида ер ости сувлари очик булоклар куринишида, буш туртламчи давр ётказикларига утиши, дарё узани ва денгиз остидан ер юзига чикиши мумкин.

*Босимли сувларнинг сатхи-пъезометрик сатх дейилади.* Пъезометрик сатх доимо сувли катламнинг юкори чегарасидан баландда жойлашади. Сувли катламнинг юкори чегарасидан пъезометрик сатхгача булган масофа унинг босими дейилади.

Артезиан сувлари майдонидаги пъезометрик сатхининг таксимланиши, озукаланиш ва сарф булиш майдонларидағи мутлак баландликларнинг узаро нисбати билан белгиланади.

Хакикий пъезометрик сатх артезиан суви горизонтида кавланган кудук оркали аникланади.

Босимли сув горизонти юзасининг характери гидроизопъез харитаси оркали тасвирланади.

*Гидроизопъез чизиги деб,* пъезометрик сатхнинг бир хил мутлак баландликларини туташтирувчи чизикларга айтамиз.